

ISSN : 3030-3974

MAKON VA ZAMON

Пространство и время
Space and time

№1
2025

MAKON VA ZAMON

**ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal**

2025/1 (№3)

M u a s s i l a r: Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti» milliy tadqiqot universiteti
va O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

Tahririyat: *t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor*
M.Abdullaeva, s.f.d., professor A.Muminov, f.f.d., professor O'.Abilov, p.f.d., professor
R.Choriev, p.f.d., professor Z.Ismoilova, f.f.d., professor
J.Ramatov, s.f.d. – A.Ravshanov.

ISSN 3030-3974

Bosh muharrir – tahririyat rahbari:

Qiyom Nazarov - f.f.d., professor

Nashrga tayorlovchilar:

M.Tursunova, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili: Qori Niyoziy ko'chasi, 39,
Toshkent shahri, 100000,

Bichimi 60x84 Ofset qog'ozi. "Times" garniturasini.

Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 300 nusxa

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ
ТАРБИЯСИГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРГуларо Нишонбоева
Фалсафа доктори PhD

“Биз яратаётган Янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм гоёси бўлади. Биз мафқура деганда, аввало фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунализ. Улар ҳалқимизнинг неча минг йиллик ҳаётини тушунча ва қадриятларига асосланган”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев.

Аннотация. Мазкур мақолада ахборот истеъмоли тушунчаси, ёшларнинг маънавий-маданий савиясини юксалтириш, ёш авлодни информацион хуружлардан асраш масаласининг долзарблиги ҳақида мухтасар фикр юритилган.

Калит сўзлар: глобаллашув даври, маънавий - маданий савия, ахборот маданияти, информацион хуружлар, ахборот тарқатиш, ахборот истеъмоли, коммуникатив маданият, ёшларнинг ахборот қабул қилиш чегараси.

Аннотация. В данной статье рассматриваются актуальные вопросы современной культурологии, связанные с её значением с основными селями и задачами в обществе.

Ключевые слова: культура, история и теория культуры, культурная деятельность, культурные процессы, культурные категории, культурология, культурная стабильность, культурное существование, культурные ценности, культурное пространство.

Annotation. This article discusses the importance of modern cultural studies, its current topics, main goals and tasks.

Keywords: culture, cultural history and theory, cultural activity, cultural processes, cultural categories, cultural studies, cultural stability, cultural existence, cultural values, cultural space.

Маълумки, Асосий Қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида ОАВ нинг ҳуқуқий мақоми баён этилган. Унда “Оммавий ахборот воситалари эркиндир, қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардир. Цензурага йўл қўйилмайди”, деб таъкидланган.

Мазкур қонуннинг асосий қонунда мустаҳкамланганлиги, биринчидан фуқароларнинг ўз фикрларини эркин тарзда матбуот, радио, телевидение орқали ёзма ёки оғзаки чиқишларда ифодалаш ҳуқуқини кафолатласа, иккинчидан, ОАВ га берилган юксак эътибор бўлди. Ушбу конституциявий қонунда учта муҳим тамойил: ОАВнинг эркинлиги, улар фаолиятида қонун устуворлиги, ҳамда цензурага йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

Бу эса мамлакатимизда бу борада ҳам жаҳоннинг илғор давлатларига ҳос демократик тамойиллар жорий этилаётгани ва бу йўлда муҳим натижаларга эришилаётганидан далолат беради.

Афсуски, ҳозирги глобаллашув ва интеграция жараёнида информацион кураш майдони, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий медиа мақоннинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш энг муҳим масалалардан бирига айланди.

Ушбу жараёнда ахборот балансининг ўзгариши, дунё ахборот майдонида айрим мамлакатларнинг устуворлик қилиш анъанасининг кучайиши, кучли давлатларнинг бошқа

давлатлар аҳолисига ўз маданиятларини сингдиришга уринишлари каби муаммоларни ўрганиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда юқори технологияларнинг кучли даражада ривожланиб бориши натижасида оммавий ахборот воситалари ўрнини вертуал ахборот дунёси қамраб борапти. Ёшларда инфонрмацион медиа маконда психологик кураш олиб бориш имконияти кескин ошди. Ҳар бир оммавий ахборот воситалари, айниқса жуда ҳам оммалашиб бораётган медиа ахборот маконининг кенг аудиторияга бўлган таъсири кучаймоқда.

Бу масалада Давлатимиз раҳбарининг ахборот хуружининг ёшларга салбий таъсири кучайиб бормоқда. Корхоналар, ташкилотлар, кишлоқ хўжалиги соҳаси ва қурилиш майдонлари, транспорт ва жамоат жойларида ҳам ушбу талабларга қатъий амал қилиш зарур, деган гаплари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги тезкор даврда камолга етиб келаётган фарзандларимизнинг маданий савиясини ошириш, уларнинг маънавий тафаккур тарзини соғлом ўстириш, уларга умуминсоний кадриятлар руҳини сингдириб бориш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб бормоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлимиз, азалий кадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

“Ахборот хуружи”, “оммавий маданият”га қарши курашнинг энг самарали йўли – йигит-қизларимизни ёшлигидан бошлаб юксак маданий савия, дид ва фаросат эгаси, мустақил фикрлайдиган маърифатли қилиб тарбиялашдан иборатдир. Ана шундай фазилатларга эга бўлган ёшларда ўз ҳаёти давомита таг-замирида вайронкор ғоялар ётган “оммавий маданият” намуналаридан ҳазар қилиш кўникмалари шаклланиши билан боғлиқ масалалар ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади.

Ёшлар тарбияси ва маданиятга салбий таъсир кўрсатаётган замонавий хавф-хатарларнинг барчаси моҳиятан бир хил бўлиб, бизнинг миллий табиатимиз, азалий кадриятларимиз, инсоний интилишларимизга тамоман зиддир. Шунинг учун уларга қарши бутун жамиятимиз ҳамжихатликда кураш олиб бориш лозим. Шундагина ёш авлодимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишга эришамиз.

Бу борада Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 30 июнь куни мамлакатимиз ўғил-қизларини Ёшлар куни билан табриклаб сўзлаган нутқи алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари байрамга янги марралар билан келинганини таъкидлаб, ёшлар учун яратилажак кўшимча имкониятларни эълон қилди. Бир гуруҳ ёшларга “Келажак бунёдкори” медали ҳамда “Мард ўғлон” давлат мукофоти тантанали топширилди.

Президентимиз мамлакатимизда сўнгги етти йил ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқаришда “катта сакраш даври” бўлганини таъкидлади.

Глобаллашув жараёнини кўплаб соҳалар қатори, ахборот билан боғлиқ эканлигини тушуниш қийин эмас. АҚШ стратегик тадқиқотлар институтининг маълумотларига кўра, ахборот маҳсулотига сарфланган ҳар бир доллар, ёқилғи энергетика соҳасига сармоя қилинган 1 доллардан кўра бир неча баробар кўп фойдали экан. Бу фақат унинг иқтисодий жиҳати, масаланинг сиёсий жиҳати эса ўз шахсий манфаатларига ўта арзон, ўта қулай йўллар билан эришиш сифатиига қаралмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда ахборот омили ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан айрим кучлар манфаатига хизмат қилмоқда. Янги мустақил давлатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлашда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий омилар билан бир қаторда ахборот омили ҳам юқори ўринга чиқмоқда.

Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маданиятга таъсири хусусида сўз юритганимизда, аввало, бу масала негизида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлиги ётганини ҳисобга олишимиз керак. Мазкур мавзу ҳақида гап кетар экан, бу икки масала мавзунинг долзарб нуқтасига айланади:

1. Ахборот оқими – мафкуравий таҳдид;

2. Ёшлар маданий савияси яъни, турли хилдаги ахборотларга нисбатан ёшларимизда шаклланган иммунитет масалаларидир.

Ахборот оқими ўз моҳиятига кўра маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Унинг қанчалик ёшларимизга таъсир қилиши унинг олдига қўйилган мақсад сари пухта йўналтирилганлигига боғлиқ.

Табиийки, ахборот оқимининг салбий таъсири эса уларда шаклланган мафкуравий химоя тизимининг мукамаллиги омилига боғлиқ.

Ўтиш даврида ахборот мафкуравий идрок билан боғлиқ вазиятнинг мураккаблиги, яъни, давлат, жамият ва шахсда мафкуравий рақобат борасида етарлича демократик тажриба йўқлигида ҳамдир. Оммавий ахборот воситалари тингловчиларининг кўпчилиги сиёсий мавзудаги ҳар қандай ахборотни расмий ахборот сифатида қабул қилади. Ахборотлар характери ва тартиби сиёсий осойишталик ва барқарорликнинг ўзига хос параметри бўлиб хизмат қилади.

Ёш авлод информацион хуружларни қандай қабул қиляпти, ушбу маълумотлар базасидан қайси йўлларда фойдаланмоқда? Бу каби саволлар бугунги кун учун ниҳоятда долзарбланишмоқда.

Ҳозиги кунларда ахборотда истеъмол тушунчаси янада оммаланиб бормоқда. Ижтимоий тармоқларда турли хилдаги салбий сайтлар, ахлоқий бузуқликка чорловчи видеороликларнинг кўпайиши ва ушбу маънавий-маданий тарбияга ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмаётгани бизда хавф уғотмоқда.

Кейинги йилларда ахборот оқимига кенг йўл очилди. Табиийки, хали ахборотга “оч бўлган” баъзи ёшлар орасида кириб келаётган ахборотни сараламай туриб “истеъмол” қилиш ҳолатлари бошланиб кетган. Улар хали яхши ва ёмон, керакли ва кераксиз ахборотнинг фарқига бормайдилар, бир сўз билан айтганда, уларда холис ахборот оқимидан нохолисини ажратиш олиш учун идрок шаклланиб улгурмаган.

Айниқса мактаб ёшидаги болаларда кўп учрайди, чунки уларнинг кўпчилиги ҳали ўзлигини ҳам англашга улгурмаган. Мактаб ёшидаги болалар ҳали яхши ва ёмонни саралаш даражасига етиб келишмаган. Шунинг асорати ҳозирги кунда, айниқса, сезилмоқда. Бу баъзан ёшларимизда ҳар қандай ахборотни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиниш туйғусини келтириб чиқармоқда.

Баъзи ижтимоий тармоқлар:

- ёт, бузғунчи ғояларнинг, лекин ўзбек менталитетига зид ғоялар, қарашларнинг ёшларга таъсири (кийиниш, чекиш, пирсинг, татуировкалар, ва ҳоказолар);

- ғарб яшаш тарзига хос, лекин Ўзбекистон ёшлари миллати маданиятига мутлақо хос бўлмаган салбий ғояларнинг кириб келиши (диний экстремизм, миллатчилик, ирқчилик, садизм мисолида);

- помографик информацион хуружларнинг ёшлар тарбиясига таъсири;

- текширилмаган ахборотлар (бўхтонлар) тарқатиш май донида айланиб қолган.

Турли хилдаги ижтимоий тармоқдаги сайтларнинг улкан имкониятлари, унда ахборот оқимининг тезкорлиги, аудиториянинг чекланмаганлиги, ўз мақсадларини террористик йўл билан амалга оширишни одат қилиб олган ёвуз кучларнинг манфаатларига ҳам хизмат қилади.

Масалан, интернет тизимида юзлаб террористик сайтларнинг манзиллари аниқланган. Интернетда бундай сайтлар тўсатдан пайдо бўлади ва тез-тез форматини ўзгартириб туради. Кутилмаганда эса, ўз мундарижасини сақлаган ҳолда, аммо ўз локациясини ўзгартириш йўли билан кўздан ғойиб бўлади.

Террористик сайтлар асосан учта аудиторияга йўналтирилган:

1. аввалдан мавжуд ва потенциал тарафқашлар;

2. халқаро жамоатчилик фикри;

3. муайян мамлакат жамоатчилиги.

Кўпгина мутахассислар кибертерроризмнинг хавфли томонлари ҳақида бот-бот

гапирсада, террористлар томонидан интернетда фойдаланишни назардан четда қолдирар эдилар. Замоनावий террористик гуруҳлар ижтимоий тармоқлардан асосан қуйидаги усуллар орқали фойдаланадилар:

- психологик уруш;
- реклама ва тарғибот;
- маълумотлар тўплаш;
- воситалар тўплаш;
- қўлга тушириш ва сафарбар этиш;
- тизимлар ташкил этиш;
- ахборот таъминоти;
- режалаштириш ва координация.

Аҳолини (жамиятимизни) кибертерроризм ва ижтимоий тармоқлардаги террористик ҳаракатлардан ҳимоя қилиш билан бирга, бир қатор антитеррористик ҳаракатлар мажмуини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Интернетдаги фаолиятнинг ижобий томонлари куйидагилар бўлиши мумкин:

- а) дунёқарашнинг кенгайиши;
- в) объектив ва негатив ахборотларни қабул қилиб, уларни таҳлил қилиш имконияти (бунда ёш йигит ё қизнинг ахборотга “тўқ булиши”) ва уларни саралай олиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Агар унда ахборотга бўлган “дид”, “маданий савия” бўлмаса, у ахборот оқимида “чўкиб” кетиши мумкин, яъни таъсирига ҳаддан ташқари берилиб кетиши;
- с) масофавий ўқишларда иштирок этиш имконияти;
- д) ахборотларни танлаш имконияти борлиги.

Бугунги кунда баъзи ёшларимиз турли хил Ғарб сериаллари таъсирида, миллий қаҳрамон – жасоратидан беҳабар ўсаётганлиги сабабли миллий маданиятимизга қайтадан чуқур эътибор қаратмас эканмиз, уларни Ватан манфаати йўлида хизмат қилишларига, бегона ғояларга берилмаслигига кафолат ҳам беролмаймиз.

Бу эса ўз навбатида, энг аввало, ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда ёшларимизни Ватанга садоқатли, халқимиз қадриятларига садоқатли қилиб тарбиялаш энг масъулиятли ва долзарб вазифамизга айланганидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 й, 4-сон*).www.lex.uz.
2. Мирзиёев М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2022. – Б. 440.
3. Ш.Мирзиёев. 2022 йил 30 июнь. Ёшлар кунига бағишланган табригидаги нутқидан.
4. Маънавият асосий тушунчалар луғати. Тузувчи Қ. Назаров. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2021. -288-289 бетлар.
5. Маврулов А. Маънавий барқарорлик – ижтимоий бирликни таъминловчи омил. – Т.: Маънавият, 2023 й. 25-26 бетлар.

MUNDARIJA:

Бош муҳаррир минбари	«Миллий фалсафа» тушунчаси	2
I.Saifnazarov	Sun'iy intellekt rivojining ijtimoiy-axloqiy jihatlarini	6
И.Насриев	Ворислик ҳуқуқи ва эр-хотиннинг биргаликдаги васиятномаси мулоҳазалар, муаммолар ва ечимлар	11
А.Маврулов М.Маврулова	Шахс тарбиясида дунёвий тафаккурнинг ўрни	17
Н.Накимов О.Ҳуснов	“Ilmiy tadqiqot metodologiyasi” fani magistrilar tayyorlashda muhim ilmiy manba	25
М.Маматов	Jamiyatimizning ma'naviy yangilanishi jarayoni va bu sohadagi taraqqiyotning zamonaviy tamoyillari	29
Х.Абдуллаева М.Ахмедова	Креативлик - синергетик тафаккур тарзи сифатида	33
Sh.Turatov	К вопросу об устойчивом развитии Центральной Азии	37
Г.Нишонбоева	Huquqiy ong – yangilanayotgan O'zbekiston yoshlarning fuqarolik mas'uliyatini shakllantirishda omili	42
D.Muratova	Глобаллашув даврида ёшларнинг маънавий-маданий тарбиясига салбий таъсир этувчи омиллар	45
B.Uzokov D.Ruzmetova	Ekologik xavfsizlik konsepsiyasi ijtimoiy-falsafiy ta'limotlarning tadqiqot obyekti sifatida	49
Л.Юлдашева Sh.Elmuratova	Yoshlar tarbiyasida oilaviy qadriyatlarining o'rni	53
G.Azamatova I.Mavlonov	“Gender tengligini ta'minlash, barcha ayol va qiz bolalarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish”	57
N.Seydabullayeva S.Ulashova	Философское наследия Ибна Туфайля	61
D.Alibekov	San'at namoyondasi Yunus Rajabiy xotirasini abadiylashtirish ishlarida uy-muzeylar faoliyatining ahamiyati	67
З.Тилавова I.Axatov	O'zbekistonda mehat migratsiyasi: holati va muammolari	70
P.Бойматов X.Xidirov	Milliy taraqqiyotning tizimli-konseptual asoslari	74
L.Vaxtiyovov M.Nazarov	Jamiyat hayotini modernizatsiyalash kontseptsiyalarining muhim xususiyatlari	78
N.Pirnazarov R.To'ychiyeva	XIII-XVI asrlar arab manbalarida Chig'atoy ulusi hukmdorlari va ularning faoliyatiga doir ma'lumotlar	81
Sh.O'rinov	Yoshlar innovatsion tafakkurini yuksaltirishning ijtimoiy taraqqiyotdagi ahamiyati	86
A.Shermuxammedov	Истиклол йилларида жамият маданий ҳаётига таъсир кўрсатган омиллар	90
M.Maxamatkarim	Abu Yaqub Yusuf Sakkokiy balog'at ilmi yetakchisi	93
	Сиёсий ижтимоийлашув зарурияти	97
	Adolat – korrupsiyaga qarshi kurashishning amaldagi ma'naviy mezoni sifatida	101
	Boburiylar bog'lari	105
	“Табиат-жамият-инсон” тизимини бошқаришда экологик ахлоқ функциясининг устуворлашуви	109
	Semiotik ong: falsafiy xususiyatlari va amaliy qo'llanilishi	114
	Tashqi siyosat maktablari: nazariy yondashuvlar va amaliy tajribalar	118
	Bo'lajak muhandislarni radioelektronika asoslari bo'yicha loyihaviy-dasturiy kompetensiyasini shakllantirishning ilmiy va o'quv bilish metodlari	123
	Raqamli ta'lim texnologiyalari vositalarining ta'lim jarayonida tutgan o'rni va ahamiyati	128
	Yangilanayotgan O'zbekistonda jamiyat barqarorligini ta'minlashning ijtimoiy-falsafiy omillari	133